ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

ЎРТА ОСИЁДА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ САК ҚАБИЛАЛАРИНИНГ МАДАНИЯТИ

Ахмаджон Шоназарович Юсупов
Ургенч давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўрта Осиёда илк темир даври сак қабилалари маданияти масаласи кўриб чиқилди. Асосий эътибор уша қабилаларнинг маданиятини акс эттирувчи археологик текширувларга қаратилди. Шу билан бирга, тарихчиларнинг мавзуга оид тадқиқотлари ҳам таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Сакарчага, Қуйисой 2, Орол денгизи минтақаси, қабилалар, Саклар, Тозабоғёб, Амиробод.

ABSTRACT

In this article is dedicated to the issue of the culture of the Sak tribes of the Early Iron Age in Central Asia. The main attention is paid to the archeological investigations reflecting the culture of those tribes. At the same time, researches of historians on the theme has been analysed either.

Keywords: Sakarchaga, Kuyisoy 2, Aral Sea region, tribes, saks, Tozaboghyob, Amirabad.

КИРИШ

Мазкур мавзуни ёритиш жараёнида, илк сакларнинг Оролбўйида пайдо бўлиши натижасида қадимги маҳаллий-маданий анъаналар тубдан ўзгарганми ёки сакларни шу анъаналарни давом эттирувчи қабилалар сифатида баҳолаш керак деган масала ўз долзарблиги билан ажралиб туради.

Чорвачилик хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқ муаммонинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинди. Бунда инсон хўжалиги ва турмуш тарзини белгилаб берувчи омил сифатида табиий – географик шароит, ўраб олган муҳит таъсирининг катта аҳамияти қайд этилди. Шу омил моддий маданиятнинг асосий хусусиятларини белгилаб берган.

Турли давр маданиятларида анъаналар ва янгиликларни ўзаро боғлиқлиги, уйғунлиги ва янги асосларда давом топган маданий анъаналарининг ривожланиши жиҳатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

Шуни ҳисобга олиб, Оролбўйида шаклланган бурунги анъаналарнинг мазмунини қисқача кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Оролбўйи бронза даври археологик ёдгорликларнинг ўрганилиши натижасида моддий маданият таркибини ташкил этувчи турли ашёлар қўлга киритилган. Илмий адабиётларда улар етарли даражада кўриб чиқилган [31].

Тозабоғёб ва Амиробод даврларида манзилгоҳларнинг аксарият қисми Жанубий Оқчадарё ўзани бўйларида жойлашган, шунингдек чорвадорларнинг мавсумий маконлари Жонидарё ва Инкардарё воҳаларида вужудга келган. Археологик материаллар таркиби қўлда ишланган ва сирти геометрик нақшлар ҳамда чизиқлар билан безатилган сопол идишлар, бронза буюмлари (пичоқ, ўроқ, жез ойна, бигиз, билагузуклар) ва тош қуроллар – ёрғучоқ, ховонча ва ўроқлардан иборат.

Асосий белгиларга кўра, бронза даври Оролбўйи аҳоли гуруҳларининг дашт қабилалари маданиятига мансублиги аниқланган. Бундан уларнинг рўзғор буюмлари, қуроллари ва турар жойлари дарак беради. Турар жойлар ярим ертўлали тўртбурчак чайласимон кулба шаклда бунёд этилиб, юқори қисмидаги ён томонлари ва усти ёғоч устунлар, синч асосида қамиш билан беркитилган, яъни улар устунли синч енгил уй-жойлар тизимини ташкил этган [22]. Бундай турар жойлар қуриш услубини илк темир даври Қуйисой маданиятининг уй-жойлари тузулишининг такрорида кўрамиз.

В.М. Массоннинг ёзишича, турар жойлар қадимги ижтимоий тизимнинг турли томонлари билан боғлиқ бўлган. Уларнинг қурилишида маиший функциялар қатори ижтимоий-иқтисодий ва экологик омиллар, уй-жойларнинг катта-кичиклиги, бинокорлик ечими ва қурилиш техникаси ўз ифодасини топган. Шу боис уй-жойлар тизими хўжаликнинг етакчи соҳаси ва этник анъаналари билан белгиланган [19]. Оролбўйи бронза даври қабилаларнинг турар жойларида ижтимоий-иқтисодий белгиларнинг акс этилиши даражасига кўра, улар асосан чорвадорлар бўлганидан яна бир бор дарак беради. Яйловларда чорвани боқиб юрган чўпонлар енгил бинокорлик тузулишига эга турар жойлардан фойдаланишган. Улар далаларга ишлов бериш, ем-хашакни ўстириш ва унинг захирасини ғамлаш билан машғул бўлган аҳоли гуруҳларига, ҳамда овчилар ва балиқчиларга қулай маиший шароит яратган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

Ҳ. Матяқубов Жанубий Оролбўйи бронза даври жамиятнинг турмуш-тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва ҳудудий белгиларини қиёслаб қуйидагиларни ажратиб берди: ҳудудда турли уруғ жамоаларининг жойлашуви, катта патриархал оилаларига тегишли умумий турар жойлар, мулк ва озиқ-овқат захиралари ҳудуддаги мавжуд табиий ресурслардан (сув, ер, ўтлоқ, ҳайвонот ва ўсимлик олами, хом ашё захиралари) ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш [20].

Бизнингча, шу ўриндаги маълумотларни бироз кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бу даврда ҳар бир катта оила чорвага эгалик қилган. Ўтлоқ ва яйловлардан жамоатчилик асосида фойдаланилган бўлса керак. Майда чорва ва қорамолни боқиш қаторида йилқичилик ва туячилик чорвачиликнинг муҳим соҳасига айланган. От ва туялар чўпонларнинг мавсумий кўчиб юриш пайтида хўжалик ишларида ва улов воситалари сифатида катта аҳамиятга эга бўлган. М.А. Итинанинг фикрига кўра, бронза даври жамоаларининг озиқланишида туя гўшти деярли истеъмол қилинмаган. Чунки бу уй ҳайвонининг хўжалик ишларида юк ташиш ва улов-транспорт соҳаларида имкони қадрланган [16]. Олис замон дашт чорвадорларининг кундалик ҳаётини туя, от, эшак каби хонакилаштирилган ҳайвонларсиз тасаввур қилиш қийин. Юқорида очиб берилган анъаналар негизида Оролбўйи илк темир даври моддий маданиятининг ривожланиши жиҳатларини кўриб чиқамиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрта Осиё тарихида мил. авв. X-VIII асрлар темир даврига ўтиш босқич ҳисобланади [25]. Темирдан турли буюмлар ва қуроллар ясаш хўжалик ва ҳарбий соҳаларда тубдан ўзгаришларга олиб келди. Дашт қабилалари ҳам металлургия ва металлга ишлов бериш касб-ҳунарида вужудга келган техноlогик кашфиётлардан четда қолмаганлар. Марказий Қозоғистон дашт ёдгорликларида мил. авв. VIII-VII асрларга оид темир қуроллари топилган [18], Оролбўйи қабилаларининг қадимги темир буюмлари мил. авв. VII-VI асрлар билан белгиланган [8].

Қадимги Шарқда темир дастлаб нодир ва қимматбаҳо металл ҳисобланган ва ундан зеб-зийнат буюмлари ҳам ясалган. Қуйи Сирдарёдаги Уйгарак мозор қўрғонидан кумуш, бронза ва темирдан ишланган билагузуклар топилган. Шунингдек Сакарчага мозор қўрғонида иккита темир билагузук аниқланган [11].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

Илк саклар моддий маданияти, уларнинг мозор қўрғонларида қўлга киритилган топилмалар асосида ўрганилган. Оролбўйида илк темир даври чорвадорларнинг турар жойлари фақат битта ёдгорликда – Қуйисой 2 манзилгоҳида қазиб очилган. Улар мил. авв. VII-VI асрларга оид бўлиб, ярим ертўлали кулбалар қолдиқларидан иборат [4]. Бундан маълум бўлиб турибдики, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб, Оролбўйида уй-жойларнинг бинокорлик тузилиши ўзгармаган.

Бронза давридан сақланиб келган бошқа бир анъана хонаки ҳунармандчиликнинг ривожланишида давомини топган, яъни рўзғор буюмлари, сопол идишлар уй-жой шароитида ишлаб чиқарилган. Хонаки ҳунармандчилик кулолчилик, йигириш, тўқимачилик, чарм ва бўйра ишлаб чиқариш, ёғоч, суяк ва тошга ишлов беришдан иборат бўлган. Бронза ва темирдан яроғ-аслаҳалар ҳамда металлдан от-анжомларини ишлаб чиқариш ихтисослашган ҳунар касби бўлиб, махсус билимларга эга дегрезлар ва қуролсозлар томонидан амалга оширилган.

Хонаки ҳунармандчилик маҳсулотлари жамоа аъзоларининг ички кундалик эҳтиёжларини қондирган ва улардан айрибошлаш жараёнида фойдаланилган. Чорвачилик чўпонлар жамоаларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаган, жун, тери ва чарм савдо алоқаларида ҳамда кийим-кечаклар, пойафзал, гилам ва рўзғор буюмларини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ҳунармандчилик буюмлари сакларнинг қабрларида дафн жиҳозларини ташкил этишган. Сопол идишлар, меҳнат қуроллари, яроғ-аслаҳалар, рўзғор-буюмлари, заргарлик буюмлари ва от-анжомлари шулар жумласидандир.

Сопол идишлар тасма услубида қўлда ясалган ва гулҳанда пиширилган. Уларнинг шакллари катта-кичиклик билан ажралиб, идишлар маиший, ошхона ва хўжалик вазифаларини бажарган. Кулочилик буюмлари эркак ва аёллар қабрларидан топилган. Идишлар марҳум боши ёки оёқ ёнида жойлаштирилган. Шунингдек Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари – Доҳистон (Гиркания), Марғиёна ва Бақтриядан савдо-сотиқ алоқалари орқали олиб келинган сопол идишлар мавжуд. Улар ихтисослашган кулолчилик буюмлари бўлиб, кулолчилик чархида ишлаб чиқарилган [33]. Илк саклар чархни билмаганлар. Уларнинг кулолчилик соҳаси турар-жойларни қуриш усули сингари маҳаллий бронза даври анъаналарини ўзида акс этган. Оролбўйида бронза металлургиясининг Тозабоғёб маданияти даврида ривожланиши натижасида мис ва қалай каби металларга эҳтиёж босқичма-босқич ортиб борган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

Тадқиқотнинг олдинги саҳифаларида айтиб ўтилганидек, мис ва қалай конлари Жанубий Урал, Марказий Қозоғистон ва Оролбўйи ҳудудларига қўшни Қизилқумда жойлашган. Илмий адабиётларда тадқиқотчилар тан олишган хулосага кўра, бронза даврида мис ва қалай конлари, дашт чорвадор қабилалари томонидан ўзлаштирилиб, улардан олинган хом ашё, маъдан конлар теварагидаги махсус устахоналарда эритилган ва қуйма металл бўлаклари (ёмби) ишлаб чиқарилган [21]. Бу ишлар илк саклар даврида ҳам йўлга қўйилган.

Жанубий Тагискен, Уйгарак ва Сакарчага мозор қўрғонлари материалларига кўра, илк саклар бронзадан ясалган пичоқ, ханжар, ҳарбий болта, ўқ учлари, ўроқ, бигиз, игна ва от-анжомларини безатган тақа ва қуббалардан кенг фойдаланишган. Мил. авв. IX-VIII асрлардан бошлаб қуроллар таркибида баргсимон икки қиррали бронза ўқ учларининг аҳамияти ортиб борди. Яккапарсон манзилгоҳида камон учларини ясаш учун мўлжалланган тош қолиплари топилган [17]. Бу далил бронза қуювчиларнинг фаолияти, дегрез ишларидан гувоҳлик беради.

Мил. авв. VII асрга оид Сакарчага қабрларида илгаклари тош, суяк, бронза ва ёгочдан ясалган ўқ-донларнинг қолдиқлари аниқланган [34]. 50 дан ортиқ бронза ўқ учлари Қуйисой 2 манзилгоҳидан топилган. Бундай камон ўқи “скиф” ёки “сак” қабилаларини ўқ учлари деб аталади. Улар Волгабўйи, Жанубий Урал, Қозоғистон, Ғарбий Сибир дашт ва дашт-ўрмон ҳудудларида яшаган чорвадорлар ёдгорликларида кенг тарқалган [1].

Темирдан ханжарлар ва дами узун пичоқлар ясалган. Тош, суяк ва ёғочга ишлов бериш пайтида темир асбоблари катта аҳамият касб этган. Бу борада аниқланган маълумотлар илк сакларнинг хўжалик ва ҳарбий соҳаларида темир буюмлари кенг тарқалганлигидан далолат беради. Геродот бундан беҳабар бўлиб, темир буюмлари массагетларнинг рўзғорида ишлатилмайди, чунки бу металл уларнинг юртида “умуман учрамайди” деб ёзган [14]. Аслида бу хулоса тарихий вокеликка тўғри келмаган.

Саклар эркаклари қабрларидаги дафн жиҳозлари ичида қурол-яроғлар ва от анжомларининг мавжудлиги алоҳида хусусият касб этади. Аёл суворийлар қабрларидан ҳам от анжомлари топилган [9]. Улар сувлуқ, тўқа, от абзали юганларини безатган бронза қуббаларидан иборат. Бронза тўқа ва қуббаларида йиртқич қушлар, буғу, қоплон ва тўнғизлар тасвирлари мавжуд. Улар дашт чорвадорлар қабилалари тасвирий санъатига хос қуш бошли афсонавий маҳлуқ ҳайвон-грифон ва коплон, йўлбарс каби йиртқич ҳайвонларнинг туёқли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

зотларини қийнаб йиртиш тасвирларидан иборат бўлиб, “скиф-сибир” деб аталган услубида ишланган [2].

Сак аёлларининг қабрларидаги дафн жиҳозлари таркибида заргарлик буюмлар мавжуд. Улар билагузук, зирак ва маржонлардан иборат. Дашт қабилаларининг заргарлик санъатида бронза, кумуш, олтин, ярим қимматбаҳоли ва қимматбаҳо ярқирама тошлардан фойдаланишган. Топилмаларнинг аксарият қисмини турли рангли маржонлар ташкил этади.

Улар феруза, ложувард, сардолик ва оқтошдан ясалган. Маржонлар геометрик (цилиндр, ромб) шаклида бўлиб, сардолик тошидан ишланганлари зар-тўқсариқ, оч қизил-тўқ сариқ рангига эга, феруза мунчоқлари мовий рангли, ложувард маржонлари кўк-зангори ва ҳаворанг тақинчоқлардан иборат [10].

Қуйисой 2 манзилгоҳида ҳонаки ҳунармандчилик шароитида феруза минерал тошига ишлов бериш излари аниқланган. Бундан тоғ жинсининг бўлаклари, етарлича ишлов берилмаган маржонлар ва уларнинг синиқлари дарак беради [5].

Феруза конлари Султон Увайс тоғлари ва Қизилқумда жойлашган [7]. Бу минерал тоғ жинсидан нафақат заргарлик соҳасида фойдаланилган. Мисол учун, олтин ва қимматбаҳо тошлар билан қадимги форс подшоларининг саройлари безатилган. Суза шаҳрида Доро I нинг сарой қурилиш ишларига доир ёзувлар маълумотига кўра, сарой эшиклари ва деворларини безатиш учун Бақтриядан олтин, Суғдиёнадан ярқирама тошлар-ложувард (лаъл) ва сардолик, Хоразмдан феруза тошлари етказиб берилган [32]. Бироқ бу битикларни ёзган хаттот бир жойда ҳатога йўл қўйган. Аслида ложуварднинг конлари Суғдиёнада эмас, улар Бақтриянинг Бадахшон тоғларида жойлашган.

Мил. авв. III минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Қадимги Шарқнинг Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Икки дарё оралиғи, Олд Осиё ва Миср бўйлаб кенг ҳудудлар ташқи савдо-сотиқ тизимида ложувард катта ўрин эгаллайди. Натижада қимматбаҳо тош савдосининг ҳудудий доирасини белгилаб берган “ложувард йўли” вужудга келган [27]. Унинг шимолий дашт йўналишлари ҳам жуда эрта шаклланган. Бундан археологик маълумотлар гувоҳлик беради.

Маданиятнинг муҳим бўлимини ташкил этган меъморчилик, бинокорлик тузилишининг усуллари ва қурилиш материаллари ҳақида яна бир бор сўз юритиш лозим. Илк саклар шаҳарсозлик маданиятини билмаганлар. Бу маданиятнинг излари сўл соҳили Хоразмда мил. авв. VI асргача, ўнг соҳили Хоразм воҳаси ва Шарқий Оролбўйи ҳудудларида мил. авв. V-IV асрларга қадар мавжуд бўлмаганлигига ўхшайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

Шаҳар кўринишида энг қадимги ёдгорлик Кўзалиқир ҳисобланади. У Амударёдан 120 км ғарбда Довдон ўзанининг ўрта қисмида жойлашган. Унинг умумий майдони 25 гектарни ташкил этади. Кўзалиқир ички қалъа ва мудофаа деворлари билан ўраб олинган ташқи қисмдан иборат. Бу қисмда турар-жойлар аниқланмаган, аксинча ички қалъада 20 та хона, устунли заллар ва кенг ҳовлини ўз ичига олган сарой қолдиқлари топилган. Ҳовли томонларида хом ғиштдан қурилган супалар ва ғиштли кўтарма-тахт ўрни ҳамда унинг рўпарасида олов ёниб турган муқаддас оташкада аниқланган [12].

Оролбўйида илгари маълум бўлмаган Кўзалиқирнинг мудофаа тизими ўзига хос бинокорлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Мудофаа деворлари пахса, тўғритўртбурчак хом ғиштдан бунёд этилган. Деворларида ўқ отиш учун “шахмат” тартибида шинаклар ўрнатилган. Мудофаа тизимини анча мустаҳкамлаш мақсадида қурилган ярим думалоқ шаклдаги девор буржларида ҳам бундай шинаклар мавжуд. Кўзалиқир мил. авв. VII-VI асрлар чегарасида қурилган бўлиб, мил. авв. V асрнинг ўрталаридан сўнг инқирозга юз тутади [13].

Ҳудди шу пайтда Кўзалиқирдан 20 км шимоли-шарқда жойлашган Қалъалиқирда, майдони 60 гектардан иборат катта шаҳарга асос солинади. Унинг мудофаа деворининг қалинлиги 15 метрни ташкил этган. Шаҳар деворлари тўрт томонининг ўртасида, ўлчамлари 100x50 метрга тенг улкан дарвоза олди истеҳкомлари қурилган. Шаҳар ичида ягона иншоот – катта сарой бўлган. Аммо номаълум сабабларга кўра, шаҳар қурилиши тўхтаб қолган ва бинокорлар Қалъалиқирни тарк этишган [24].

Фикримизча, Кўзалиқир ва эҳтимоли бор Қалъалиқирнинг ички қисмларида уй-жойларнинг бино қилинмаганлиги сабаби шундаки, бу йирик қалъалар даставвал қароргоҳ маркази вазифасини амалга ошириш мақсадида бунёд этилган. Иккинчидан, улар теварак аҳоли ва чорва подалари учун панагоҳ бўлиб турган. Шу ҳарбий иншоотлардан ташқи босқинлардан ҳимояланиш зарурати вужудга келганда фойдаланиш имкони ниҳоят муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу борада Хоразм номининг илк ёзма манбалардан (“Авесто” бўйича – “xvairizam”, қадим форс тилида “ẖuwarazmi”) “чорва учун яхши истеҳкомларга эга мамлакат” ёки “истеҳкомли манзилларга эга замин” каби М.Н. Боголюбовнинг таржималари эътиборга молик [3].

Кўзалиқир ички қалъасида меъморчилик иншоотларининг мавжудлиги ва аксинча “паст шаҳар” қисмида улар қурилмаганлиги белгиларига кўра, ҳудди шундай тарх Чирикработнинг қурилишида такрор топган. Мудофаа деворлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

билан ўралган шаҳар харобаларининг катта қисмида турар жойлар аниқланмаган. Улар фақат ички қалъа-қароргоҳ қисмида бор [6].

Шунга ўхшаш ҳолат ўнг соҳил Хоразмда Бозорқалъа ва Қазақлиётган шаҳарларнинг бунёд этилишида намоён бўлган. Улар мил. авв. V асрда қурилган. Е.Е. Неразик фикрига кўра, бу шаҳарлар Аҳамонийлар давлати чегараларида таянч ҳарбий истеҳкомлар сифатида қурилишининг эҳтимоли бор [23].

Бизнинг фикримизча, улар Кўзалиқир ва Чирикработ сингари теварак аҳоли ва подалари учун мудофаа иншооти – панагоҳ вазифасини бажарган. Чирикработнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг ички қалъасида хом ғиштдан қурилган катта дафн иншоотларининг қолдиқлари жойлашган. Ўз пайтида бунинг сабабларини С.П. Толстов очиб беришга ҳаракат қилган. Олимнинг ёзишича, қалъа ичидаги “бир тўп гўртепалари қадимги шаҳарнинг энг кўҳна қисми бўлса керак. Бу гўртепалар қад қўтаргандан кейин уларнинг атрофи қадимги қасрнинг тўғри тўртбурчакка яқинлашиб кетувчи девори билан ўраб олинган. Бу қасрнинг нима мақсадда қурилганлиги бизга қоронғу. Балки унда подшохларнинг мақбараларини қўриқлаган сак гарнизони жойлашгандир” [28].

“Подшоҳлар мақбаралари” деганда сак уруғ-қабила сардорларининг дафн иншоотлари назарда тутилган. Бизнингча, Чирикработ ўрнида аввал сак қабилалари йўлбошчиларининг уруғ хилхонаси жойлашган. Мил. авв. V-III асрларда уларнинг атрофи мудофаа деворлари билан мустаҳкамланиб, катта истеҳкомга асос солинган.

Дафн иншоотлари ичида, бир катта думалоқ мақбара (диаметри 38,5 м, баландлиги 8,5 м) харобаларида қазишма ишлар амалга оширилган. Халқасимон мақбаранинг марказида хом ғиштдан тўртта катта тўртбурчак хилхона қурилган. Бундай меъморчилик тарҳнинг илдизларини (ташқи қисми ҳалқасимон, маркази хом ғиштдан қурилган тўртбурчак иншоот) сўнгги бронза даврига оид Шимолий Тагискен мақбараларида кўриш мумкин [30].

Бироқ бундай тарҳ анча илгари ривожланиб, мил. авв. III минг йиллик охирлари – II минг йиллик бошларида Уралдаги чорвадорлар маданиятига оид Аркаим манзилгоҳи ва Жанубий Бақтриянинг Даштли 3 ибодатхонасида ўз аксини топган. Қиёслаш учун, Аркаим марказини тўғрибурчак майдон ташкил этган, унинг айланасимон атрофи (диаметри 85 м) деворлар билан ўраб олинган, иккинчидан (ташқи) ҳалқа мудофаа тизимининг диаметри 145 метрни ташкил этган. Деворлар ёғоч ва лойдан қурилган [15].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

Думалоқ меъморий тарҳ Бақтрияда нафақат бронза даврида, балки илк темир асрида Кутлуғтепа ибодатхонасида ҳамда катта ва ўртамиёна Олтиндилёр, Отчопор ва Талашкан каби қалъаларда қўлланилган [26]. Хоразмда бундай бинокорлик ёндашувни мил. авв. IV асрда Қўйқирилган қалъасининг барпо этилишда кузатиш мумкин.

Чирикработ маданияти Оролбўйи сакларнинг сўнгги даври тарихига оид бўлиб, меъморчилик, бинокорлик соҳалари ва моддий маданиятдаги туб ўзгаришлар ва янгиликлардан далолат беради. Мисол учун, Чирикработ мозор қўрғонларининг ўрганилиши натижасида сакларнинг ҳарбий иши, қуролланиши, яроғ-аслаҳасига кирувчи қуроллар таркиби мавзуига оид янги саҳифалар очиб беришга имкон яратилди [29].

ХУЛОСА

1. Оролбўйида ишлаб чиқариш хўжалиги шакли чорвачиликка ўтиш Ўрта Осиё жанубий вилоятларига нисбатан анча кейинроқ бошланган. Бу ҳодиса турли табиий-географик ўлкаларда жойлашган қабилаларнинг нотекис ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан белгиланган.

Тарихнинг энг қадимги даврларидан бошлаб, қуйи Амударё ва қуйи Сирдарё ҳудудларида ўзлаштирувчи озуқа маҳсулотларнинг сероблиги, яъни табиатда мавжуд маҳсулотлар овчилар ва балиқчилар жамоаларнинг эҳтиёжларини талаб даражасида қондирган. Шу тариқа ишлаб чиқариш кучлар ва иқтисодий-маданий соҳаларидаги ихтиролар суст даражада тараққий топган. Ушбу ҳолатлар ишлаб чиқариш хўжаликнинг вужудга келиши даврини белгилаб берган.

2. Бронза даврида Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва хўжалик, технологик ютуқлар тарқалган бирламчи марказларнинг маданий таъсири оқибатида Оролбўйи аҳолининг ҳаёти ва турмуш тарзида турли янгиликлар намоён бўлиб, чорвачилик хўжаликнинг етакчи соҳасига айланган, деҳқончилик унинг ёрдамчи тармоғини ташкил этган. Шу сабабли бу давр Жанубий Оролбўйи жамоалари “чорвадор-деҳқонлар” ёки “чўпонлар – деҳқонлар”, Шарқий Оролбўйи қабилалари эса чорвадорлар аҳоли гуруҳларидан иборат бўлган. Янги тадқиқотлар натижаларига кўра, Жанубий Оролбўйида деҳқончилик –чорвачилик хўжалиги шаклининг етакчилиги ҳақида қарашлар ўз исботини топмади, деҳқончилик соҳаси мил.авв. VI асргача хўжаликнинг ёрдамчи тармоғини ташкил этган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

3. Мил. авв. VIII аср охирлари – VI аср мобайнида Оролбўйида жойлашган илк саклар ҳаётида чорвачилик хўжалиги устунлик қилган. Инкардарё ва Жонидарё ҳавзаларида яшаган қабилалар (Жанубий Тагискен, Уйгарак ва мавсумий манзилгоҳларнинг археологик материаллари бўйича) ярим кўчманчи (ярим ўтроқ) турмуш тарзига эга бўлганлар. Сариқамишбўйи Довдон воҳасида (Сакарчага, Қуйисой 2) истиқомат қилган чўпонлар жамоалари ярим ўтроқ ва ўтроқ чорвадорларни ташкил этишган.

Илк сакларнинг машғулотларига кўра, улар чўпонлар ва чорвадор – деҳқонлар, кончилар, овчилар ва балиқчилар каби хўжалик гуруҳларига ажралган.

4. Илк саклар ёдгорликларининг (манзилгоҳлар, мавсумий маконлар, мозор қўрғонлар) географияси ва картографияси масалаларини таҳлили натижасида ҳудудларни ўзлаштириш даражаси, ҳудудий жойлашувнинг ҳусусиятлари ва чегаралари аниқланган. Бу жараёнда аҳоли манзилларининг топографияси, уларнинг сув ҳавзалари, ўтлоқлар ва дашт яйловлари билан алоқадорлиги, манзилгоҳларнинг орасидаги масофа ва улар ёйилишининг умумий майдони инобатга олинди.

Қўлга киритилган тадқиқотлар натижалари, ёзма манбалар ва тариҳшунослик маълумотлари асосида сак-массагетлар этногеографиясига доир, мил. авв. VII-VI асрларда Шарқий Оролбўйида “Сугд ортидаги саклар”, Сариқамиш кўли ва Каспий денгизи оралиғи даштларида “сака тиграхаудалар”, Узбой ўзанининг ўнг ва сўл соҳиллари ҳудудларини бўйлаб апасиак ва дербиклар каби массагет қабилаларнинг жойлашиши тўғрисида масалани илгари суриш тарихий хақиқатга жавоб беради. Қишлиқ ва йилнинг бошқа мавсумларида хўжалик талабларига кўра, ҳудудий жойлашиш чегараларининг ўзгариб туриши аниқланган. “Хорасмийлар” Сариқамишбўйи Довдон ва Дарёлиқ воҳасида жойлашган.

5. Илк сакларнинг касб-ҳунар даражаси ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатининг таҳлили натижаларига кўра, бронза ва темир қуроллари, металл от-анжомлари ҳисобга олинмаган ҳолда мавжуд буюмларнинг аксарият қисми уй ҳунарининг маҳсулоти бўлган. Уй-жой шароитида чорвадорлар ўзларининг кундалик эхтиёжларини қондирган буюмларни ясаганлар. Шунингдек заргарлик, дегрезлик, қуролсозлик, тўқимачилик ва чармгарлик соҳалари ривожланган.

Илк саклар хом ғишт ва пахсадан қурилиш материаллари сифатида фойдаланмаганлар. Кўп вақт давомида улар оддий бинокорлик услубларига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

доир ёғоч устун ва синчли тузилишидан иборат, томи қамиш билан беркитилган кулбаларда ва кигиз ўтовларда кун кечирганлар (бундан Геродотнинг “скифлар ўтови” ҳақидаги маълумот дарак бериши мумкин). Бундай одат биринчи галда чорвадорларга хос маданий анъаналар ва ярим кўчманчи турмуш тарзидан келиб чиққан.

6. Оролбўйида бронза давридан бошлаб, қуйидаги хўжалик-маданий типлар ривожланган:

- Тахминан мил. авв. XVI-X асрлар, чорвачилик – деҳқончилик (қуйи Амударё, Жанубий Оролбўйи), чорвачилик (қуйи Сирдарё, Шарқий Оролбўйи).
- Мил. авв. X-VIII (ёки IX-VIII) асрлар, Жанубий Оролбўйи Амиробод чорвачилик – деҳқончилик маданияти, Шарқий Оролбўйидаги Шимолий Тагискен дашт чорвадорлари.
- Мил. авв. VII-VI асрлар, Сариқамишбўйи ўтроқ чорвадорлар Қуйисой маданияти ва Сакарчага илк саклар кўчманчилари мил. авв. VII-VI асрлар чегарасида ўтроқ чорвадорлар ва деҳқонлар Кўзалиқир маданиятининг пайдо бўлиши.
- Қуйи Сирдарё ҳавзасида мавсумий кўчиб юрган илк саклар маданияти.
- Мил. авв. V-IV асрлар, Жанубий Оролбўйида зироаткорлар маданиятининг устунлик қилиши, Шарқий Оролбўйида сакларнинг ўтроқлашиб кетиши.

Юқорида келтирилган даврлаштириш тизими археология ва илк ёзма манбалар маълумотларига асосланган ва далилий жиҳатдан тарихий воқеликни ўзида акс этади.

REFERENCES

1. Акишев К.А. Саки азиатские и скифы европейские: общее и особенное в культуре // Археологические исследования в Казахстане. Алма-Ата, 1973. – С. 49; Аванесова Н.А. К вопросу о бронзовых стрелах племен эпохи бронзы // Материалы по археологии Узбекистана. Тр. Самаркандского госуниверситета. Вып. 270. – Самарканд, 1975. – С. 38.
2. Артаманов М.И. Скифо-сибирское искусство звериного стиля (основные этапы и направления) // Проблемы скифской археологии. МИА. №177. – М., 1971.
3. Боголюбов М.Н. Древнеперсидские этимологии // Древний мир. – М., 1962. – С. 368-370.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

4. Вайнберг Б.И. Куюсайская культура раннего железного века в Присарыкамышской дельте Амударьи // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1975. – С. 43.
5. Вайнберг Б.И. Куюсайская культура раннего железного века …С. 45-46.
6. Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Чирикрабатская культура // Низовья Сырдарьи в древности. Вып. 1. – М., 1993. – С. 22.
7. Виноградов А.В., Лопатин С.В., Мамедов Э.Д. Қызылкумская бирюза // СЭ. – М., 1965. №2.
8. Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII – V вв. до н. э. // Тр. ХАЭЭ. Т. VIII. – М., 1973. – С. 72-73; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996. – С. 52.
9. Вишневская О.А. Культура сакских племен … С. 100.
10. Вишневская О.А. Культура сакских племен … С. 82-84.
11. Вишневская О.А. Культура сакских племен …С. 81; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья... С. 31.
12. Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели–гыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. – М., 1997. № 2. – С. 151-156, рис. 1-3.
13. Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Кўрсатилган асар. С. 150, 163.
14. Геродот. Кн. I, 215.
15. Зданович Г.Б., Зданович Г.Д., Куприянова Е.В., Кириллов А.К. Аркаим и «страна городов». Археологические очерки. – Челябинск: «Крокус», 2005. – С. 5-12.
16. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Тр. ХАЭЭ. Т. X. – М., 1977 – С. 189.
17. Итина М.А. Поселение Якке – Парсан 2 (раскопки 1958–1959 гг.) // МХЭ. – М., 1963. Вып. 6. – С. 118-119.
18. Маргулан А.Х. Бегазы-Дандыбаевская культура Центрального Казахстана. – Алма-Ата, 1979. – С. 110.
19. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976. – С. 110-111.
20. Матякубов Ҳ. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент, 2017. – Б. 120.
21. Матякубов Ҳ. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент, 2017. – Б. 111.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00915

22. Матякубов Ҳ. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент, 2017. – Б. 23.
23. Неразик Е.Е. Древние города Хорезма и пути их развития (IV в.до н. э. – IV в. н. э.) // Центральная Азия. Источники, история, культура. – М.: ИВЛ, 2005. – С. 546-547.
24. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: ИВЛ, 1998. – С. 33.
25. Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии // СА. – М., 1982. №2. – С. 229-234.
26. Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука. 1977. – С. 34-38, 118-121.
27. Сарианиди В.И. О великом лазуритовом пути на древнем Востоке // КСИА. – М., 1968. Вып. 114. – С. 3-9; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 56-57.
28. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан. 1964. – Б. 395.
29. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 148, рис. 82; Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. – Тошкент: O’zbekiston, 2007. – Б. 178, 84-расм.
30. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: ИВЛ, 1962. – С. 80-82, 144-146, рис. 77-79.
31. Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого–этнографической экспедиции 1951–1954 гг. // Вопросы истории. – М., 1955. №3. – С. 173-180; Итина М.А. Раскопки стоянки Тазабагъябской культуры в 1957 г. // МХЭ. – М., 1960. Вып. 4. – С. 82-103; ўша муаллиф. Раскопки могильника тазабагъябской культуры Кокча 3 // МХЭ. – М., 1961. Вып. 5. – С. 3-96; ўша муаллиф. О месте тазабагъябской культуры среди культур степной бронзы // СЭ. – М., 1967. №2. – С. 62-74.
32. Хрестоматия по истории Древнего Востока. Надпись Дария I о сооружении дворца в Сузах // Перевод В.И. Абаева. – М.: Высшая школа, 1980. Ч. II. – С. 38-39.
33. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Институт археологии РАН, 1996. – С. 30.
34. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья... С. 34.